

IVT-G0308/69- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Наманган ш.

2022 йил “24” декабрь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30-декабрдаги 27-01-14-6033 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанийнинг АК “Ўзбектелеком” Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **Вилоят прокуратуруаси** Устав (Низом, рўйхатга олингандик түгрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи “ел. касасиев” (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартномаси) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофик “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисидаги абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматларни кўрсатилиши түгрисидаги шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатилиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тuri хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан холда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз ҳукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофик, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари татбик этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиши жараённида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнida амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100** (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талафонма (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тuri бўйича) кўрсатилган микдорга мувофик ҳар бир танланган хизмат тuri учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлгани Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тuri бўйича) мувофик кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни хисобга олган холда) **(13728000)** сўмни ташкил этади. Ушбу сума **(11144000)** сўм микдоридаги Абонент тўловини хамда **()** микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичизда ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар жакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлиги асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишина истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равища блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофик ҳар бир хизмат тuri учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ун)** иш куни мобайнida Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тuri бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътироzlарига асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилладиган хизматлар учун тўлов талафонасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг Кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганилиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

5. Низоларни хал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариши билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик хамда низоларни судгача хал этиши тартибида риоя килинган холда ўзаро келишув орқали хал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали хал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хуқуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиши тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори дараҷада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар кандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonoma/шикоят/таклиф кўрининишидаги мурожаати кўпич билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хакда мажбурий равишда хабардор килинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал киласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўргасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 22 йил 31 декабрга кадар амал киласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тутаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажарини давом эттираса ва Томонларнинг хеч бирин бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 _____ йил 31 декабрга кадар амал киласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганини ҳақида жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўргасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хуқуқий шаклини ўзгариши ва бошقا ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичидаги бир-бирларини хабардор килишлари шарт.


7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга ега ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| | |
|--|---|
| ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АҚ Намангандаро | АБОНЕНТ: Вилоят прокуратураси |
| Манзил: Намангандаро Истиклол кучи 57-йи Банк маълумотлари: х/р: 2021 0000 0040 7483 8363; СТИР: 203366731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: <u>Намангандаро</u> ; E-mail: b2b@uztelecom.uz; | Манзил: <u>Намангандаро. Сеурзаси кўнга 18чуд</u> Банк маълумотлари: х/р: <u>400110860144017036200010001</u> СТИР: <u>200056519</u> МФО <u>00014</u> Банк номи: Тел: <u>8-955-227-14-24</u> E-mail: <u>Намангандаро</u> ; ДОТ: <u>Намангандаро</u> Абонент номи: <u>И. С. Касимов</u> |
| Операторномидан:  имзо/ М. Д. |  имзо/ М. Д. |

Юрист _____



Исп.: Юсупов И
Тел: (369) 227-18-10

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта - йиғиндици

| т/р | Хизматлар номи | ҚҚС билан нархи (миқдори) | Асос | Миқдори | 15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда) |
|--|--|---------------------------|----------|---------|--------------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| I. Бир марталик тўловлар | | | | | |
| II. Ҳар ойлик абонент тўловлари | | | | | |
| | Corporate-3 тариф режаси бўйича 10 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармогига кириш,Интернет тармогига уланиш тезлиги, 19:00 дан 00:00 гача 2,5 Мбит/с Интернет тармогига уланиш тезлиги, 00:00 дан 19:00 гача 10 Мбит/с | | | | |
| 2.1 | Абонент тўлови | 300 000.00 | Нархнома | 2 | 600 000.00 |
| | Teznet busines-1 тариф режаси бўйича 3 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармогига кириш,Интернет тармогига уланиш тезлиги 3 Мбит/с | | | | |
| 2.2 | Абонент тўлови | 400 000.00 | Нархнома | 1 | 400 000.00 |
| 2.3 | Iptv | 18 000.00 | Нархнома | 8 | 144 000.00 |
| | Жами (олдиндан тўлов) | | | | 1 144 000,00 |

Жами олдиндан тўлов миқдори 1 144 000,00 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Ҳар ойлик тулов 1 144 000.00 сум

Шартноманинг умумий миқдори 13728000 () сўмни ташкил этади. Ундан 144000 () сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда () сўм бир маротабалик FTTx технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:
 "Ўзбектелеком" АК
 Наманган филиални



Директор Б.Нурматов
 /имзо/
 м.ў.

АБОНЕНТ:
 Вилоят прокуратураси



Абонент номидан:

М.С. Каевшев

/имзо/
 м.ў.